

THE ROLE OF NATIONAL IDENTITY IN INCREASING THE SOCIO-POLITICAL ACTIVITY OF THE YOUTH OF UZBEKISTAN

Yusupov Akhrorjon Kurbanovich.

Kokand State Pedagogy

Teacher of The Institute

Annotation:

Strengthening the idea of national ideology at a time of radical social change in the country is an integral part of the Uzbek people's understanding of national identity, the understanding of national identity, the growth of political culture, the democratization of our state.

Keywords: national, political culture, patriotism, our youth, socio-political activity, national ideology, social development.

Аҳоли сиёсий маданиятининг шаклланишида ижтимоий ҳаёт даражаси, миллий ўзликни англаш ва ватанпарварлик, унинг институтлари ва мафқураси муҳим аҳамиятга эга. Улар жамиятнинг моддий ва маънавий соҳалари ривожланишининг объектив қонуниятлари билан белгиланади, у ёки бу жараёни жадаллаштириш ёки уни вақтинчалик сусайтиришда муҳим роль ўйнайди. Аммо улар ижтимоий ривожланиш ва миллий ўзликни англашга сурункали монелик қилишга қодир эмас.

Миллий ўзликни англаш ижтимоий ривожланишнинг объектив шароитларида шаклланади ва ривожланади. Ватанга садоқат миллий ўзликни англашнинг шаклланиши ва ривожланиши учун муайян замин яратади, у сиёсий маданиятда ўз ифодасини топади. Худудий бирлик миллат миллий ўзлигининг шаклланиши ва ривожланиши омили сифатида, яна шу билан ҳам муҳимки, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг марказлашуви айнан муайян худудда юз беради.

Ҳозирги даврда ўзбек халқи ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, унинг маънавий фаоллиги миллий уйғониш йўллари излаш, миллий ўзликни англашни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг бош омилига айланган, улар ўз халқи тарихини, унинг маданияти ва маънавиятини чуқур билиш ва тушунишга асосланган тақдирдагина қудратли кучга айланади. Миллий ўзликни англаш, умуман олганда, ўзининг мазкур халққа мансублигини тушуниб етиш, унинг бошқа халқлар орасидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш демакдир. Республикада туб ижтимоий ўзгаришлар юз бераётган даврда миллий мафқура ғоясини мустаҳкамлаш ўзбек халқининг

миллий ўзликни англаш жараёни билан узвий боғлиқ. Миллий ўзликни англаш, сиёсий маданиятнинг маънавий элементи, янги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий муносабатларнинг вужудга келиш омили сифатида, айниқса, бўртиб намоён бўлади. Миллий уйғонишда инсон омили ролининг фаоллашуви сиёсий маданиятни назарий жиҳатдан теран ва ҳар томонлама англаб етишни тақозо қилади.

Шу билан бир вақтда, эски тузумдан қолган андозалар ва айрим омиллар кишилар сиёсий маданиятида миллий ўзликни англашнинг моҳияти ва намоён бўлиш шакллари йўналишга монелик қилади. Ҳозирги вақтда собиқ шўро даврига хос бўлган мафкуравий бир ёқламалик, ижтимоий онгнинг торлигидан маънавий қадриятларни янада кенгрок тушунишга, умуминсоний қадриятларни, инсон ҳуқуқларининг устунлигини тан олишга ўтиш жараёнлари юз бермоқда. «Миллий ўзликни англаш миллатлар ҳамжиҳатлиги, уларнинг ўзаро муносабатларининг ижтимоий онгдаги инъикосидир».

Миллий ўзликни англаш, сиёсий маданиятнинг ўсиши – прогрессив ҳодиса, миллий истиклолнинг муҳим ютуғи, давлатимизнинг инсонпарварлашув ва демократиялашув йўлидаги келгуси қадамларини белгиловчи муҳим омил. Табиийки, миллий ўзликни англашнинг ўсиши билан ҳар бир кишининг ўз негизларига бўлган қизиқиши ҳам кучайиб боради. Айни шу сабабли миллий ўзликни англашнинг ўсиши очиқ ва ошкора ўзаро алоқаларни истисно қилмайди, балки тақозо этади.

Сиёсий маданиятнинг шаклланишида миллий ўзликни англашнинг ролини талқин қилиш соҳасида тўпланган муаммоларнинг мураккаблигига ҳолисона баҳо берган ҳолда қуйидаги вазифаларни қайд этиш мумкин:

Биринчидан, жамият тубдан янгиланаётган шароитда миллий ўзликни англашнинг ўсиши зарур. Бунга эришиш учун давлат: а) ўз яхлитлиги ва узвийлигини демократик йўллар билан, яъни турли хил, баъзан қарама-қарши манфаатларни эътибордан соқит этиш орқали эмас, балки уларни демократик усулда мувофиқлаштириш орқали таъминлаши; б) юз бериши мумкин бўлган конфликтларни демократик йўллар билан самарали ечиш учун одамларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш давлат-ҳуқуқий механизмини яратиши лозим.

Иккинчидан, турғунлик йилларида тўпланган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бошқарувни марказлаштириш ва сунъий «жадаллаштириш» йўли билан эмас, балки ҳар бир одамнинг манфаатдорлигини таъминлаш орқали ҳал қилиш керак. Бош вазифалардан бири – кишиларнинг мустақиллиги учун янада кенгрок шароитлар яратиш, улар ўз илмий

фаолиятининг пировард натижаларини яхшилашдан жамиятнинг фаровонлиги асоси сифатида манфаатдор бўлишларини таъминлаш.

Шуни қайд этиш лозимки, миллий ўзликни англаш ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ўсиши шароитида маънавий фаолиятнинг чекланиши жамият ҳаётидаги демократик жараёнларнинг фаоллик даражаси пасайишига олиб келади. Давлатнинг умумий сиёсати ҳар бир инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари қондирилишини таъминлаш заруриятидан келиб чиқиши лозим.

Индивидум даражасида миллий ўзликни англаш, миллий ўзига хослик субъектив даражада бутун ижтимоий борлиқ каби идрок этилади. Бу амалда «миллий ўзликни англаш шахс даражасида қон белгисига кўра» амалга оширилишини англатади. Шуни қайд этиш лозимки, шахснинг сиёсий маданияти шахс даражасида миллий ўзликни англашнинг таркибий элементларидан бири ҳисобланади. Цивилизациянинг яхлитлик даражаси ортиб бораётган шароитда «соф» миллий ўзликни англаш ўз-ўзича мавжуд бўлиши мумкин эмас. Бошқа жараёнлар каби шахснинг миллий ўзликни англаши ҳам маҳдудлик шароитида ривожлана олмайди, унинг миллий ўзликни англашининг ўсиши ўз маданий меросини янада чуқурроқ билиш ва уни халқ мулкига айлантириш учун ўз маънавий илдизларига теранроқ назар ташлашга интилишига имконият яратади.

Миллий менталитет хусусиятларини аниқлаш вазифаси «ўзгаларга»гина тааллуқли деб ўйлаш ярамайди. Ўз халқининг психологияси билан ҳам ҳисоблашиш лозим. Шу нарса диққатга сазоворки, ривожланишда улкан ютуқларга эришган мамлакатларнинг деярли барчасида ўзликни англашга ёрдам берадиган тадқиқотларга жуда катта эътибор қаратилади, бу мавзуга бағишланган илмий, илмий-оммабоп ва публицистик адабиётлар кўплаб эълон қилинади.

Ўзга мамлакатлар ва халқлар тажрибасидан кўр-кўрона нусха кўчиришга уринишлар амалда самара бермаслигини тарих кўп марта тасдиқлаган; аксарияти миллий психология хусусиятлари билан боғлиқ бўлган сабабларга кўра, одатда, уларнинг ташаббускорлари эришишни кўзлаган мақсадларга бутунлай тескари натижаларга олиб келади.

Шахснинг сиёсий маданияти даражасининг маданий юксалишини таъминловчи миллий уйғонишда маърифат ва ватанпарварлик улкан роль ўйнайди. Айни шу омиллар унинг покланишига, сохта идеаллар ва ғоявий иллюзиялардан халос бўлишига кўмаклашиши, ҳалоллик, эзгулик ва ҳақиқатнинг қарор топишига имконият яратиши мумкин. Маърифат ва ватанпарварликдан халқни камситган ва камситувчи ҳамма нарсага чуқур нафрат шаклларини топиш ва тарғиб қилишнигина эмас, балки эзгулик ва олижаноблик уруғини сочувчи ҳамма нарсаларни улуғлашни ҳам кутиш ўринли бўлади.